

КОРЕЙС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҲИКОЯ ЖАНРИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Д.А. Эргашева.

Кимё халқаро университети мустақил тадқиқотчиси.

Ҳикоя насрининг энг етакчи жанри ҳисобланади. Ҳар бир насрий жанр эса ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Аммо корейс адабий оламида ҳикоя жанри фаоллиги билан ажралиб туриши кузатилади. Зеро, Хуршид Дўстмуҳаммад асосли таъкидлаганидек: *“Ҳар бир миллий адабиётнинг ўзига хос кундалик нафаси, қадам олиши, мавқеи – пулси ҳикояда кўпроқ намоён бўлади”*¹.

Корейс ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанри ўзига хос тараққиёт босқичига эга бўлиб, шакл ва мазмундаги изланишлар самараси ўлароқ муттасил равишда янгилинмоқда.

Корейс адабиётида насрий жанрлар *сосол* туркумига кирувчи асарлар тарзида берилади. Сосолнинг учта: кичик *танпхён-сосол*, ўрта *чунпхён-сосол* ва катта *чжанпхён-сосол* каби турлари мавжуд. Кореяда чоп этилган *“Катта лугат”* фундаментал нашрида *сосол* атамасига қуйидаги таъриф берилган: *“Сосол – наср шаклларида бири бўлиб, унда фактлар ва муаллифнинг бадиий тўқимаси бирикмаси асосида ҳаёт, шунингдек барча юксак эстетик нарса ва ҳодисалар акс эттирилади. Узун, ўртача ва қисқа сосол фарқланади”*².

Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, ҳикоя насрининг кенг тарқалган ва тараққий этган жанрларидан ҳисобланади. Х.Дўстмуҳаммад таъбири билан айтганда: *“Бинобарин, ҳар бир адабиётнинг ўзига хос кундалик нафаси, қадам олиши, мавқеи ҳикояда кўпроқ намоён бўлади”*³.

Сосол туркумига кирувчи асарлар (Сайдазимова У.Т.)⁴ пхэсол адабиётининг муносиб давомчиси ҳисобланади. *Пхэсол* атамаси Хан даврида шаклланган (эр.ав. 220-206 йиллар) хитой адабий жанри *“байшо вэнсюэ”* ёки *“байгун вэнсюэ”* номи билан бошланади. Рус тадқиқотчиси Д.Д. Елисеев⁵ *сосол* деганда шартли равишда қисса, новелла, роман, рус олимаси А.Ф. Троцевич⁶ эса қисса ва роман жанрларини тушунади.

Ўзбек адабиётида ҳикоя жанрига шундай таъриф берилади: *“Ҳикоя эпик турга мансуб кичик ҳажмли жанр бўлиб, у ўзига хос имконият ва ҳаётий қамровга эга. Ҳикояда тасвирланган воқеа ўз моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан эпик турнинг роман, повест каби жанрларидан фарқланмаса ҳам, бироқ тасвирнинг қўлами, сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги, баённинг асосан бир шахс*

¹ Хуршид Д. Йил ҳикоялари: ютуқлар ва изланишлар. //Тил адабиёт таълими, 2017, №7.

² 큰 사전. –서울, 1995. – 23-73-쪽.

³ Дўстмуҳаммад Х. Ҳикояларда ҳаёт ва ҳаёл ҳақиқати. Шарқ юлдузи. 2011. №1.

⁴ Сайдазимова У.Т. XVII-XVIII асрлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари. Филол. фан. док. дисс....автореф. – Тошкент, 2018. –5 б.

⁵ Елисеев Д.Д. Новелла корейского средневековья. – М.: Наука, 1977. – С.67.

⁶ Троцевич А.Ф. Корейский средневековый роман. – М., 1986. – С.10.

томонидан олиб борилиши жиҳатидан фарқланиб туради. Ҳикоя шаклий жиҳатдан прозаик ифодага эга бўлса-да, айрим ҳолларда у шеърӣй шаклда ҳам яратилади”⁷.

Корейс адабиётида *танпхён-сосол* жанри ҳозирги даражасига етгунча узок ҳамда мураккаб жараёни босиб ўтди. Илк *танпхён-сосол* пхэсол адабиёти тўпламларида учрайди. Мазкур тўпламларга киритилган *танпхён-сосол*нинг аксарият қисми тарихнавислик йўналишида вужудга келган бўлиб, ўз тараққиёти давомида (XVIII асрнинг бошигача) тарихий воқеаларни ёритиш хусусиятини сақлаб қолган. Кўплаб *танпхён-сосоллар* реал тарихий шахслар ва воқеалар асосига қурилган.

Бу ҳодиса хитой адабиётида ҳам кузатилади. Хусусан, хитойшунос олим Озод Очилов “*Хитой фольклор ҳикояларининг асосий мавзуси кундалик турмуш тарзи бўлиб, реал ҳаётдаги инсонлар бу турдаги ҳикояларнинг бош қаҳрамонлари сифатида гавдаланади*”⁸, деб таъкидлайдилар. Мақолада олим хитой фольклор ҳикояларини “Амалдорлар ва оддий халқ ҳақидаги ҳикоялар”, “Меҳнат ҳикоялари”, “Оилавий ҳикоялар”, “Севги-муҳаббат ҳикоялари” каби турларга ажратади. Хитой фольклор ҳикояларига воқеа ва шахс албатта тарихий воқелик билан боғланиши шартлиги, одатда сюжет тўқима, ҳикоя қаҳрамонларининг исмлари келтирилмаслиги хослигига урғу беради.

Корейс *танпхён-сосоли*да қаҳрамонлар сохта (тўқима) образ сифатида келади, жумладан, “Денга ҳақида ҳикоят”, “Бамбук хоним”, “Доно Қулмоқ” ва ҳ.к. Шу билан бирга бу ҳикояларда ҳам хитой фольклор ҳикоялари каби “қадим замонларда”, “...оқругидан экан”, “...оқругидан экан” каби кўрсаткичлардан ҳамда қаҳрамон исмлари ўрнига “бир одам бўлган экан” “чедок”, “муса”, “кисен” кабилардан фойдаланилади.

Алоҳида муаллифлик тўпламлари тарзида кенг тарқалган *пхэсол* турли мавзулардаги қайдлар ва қаҳрамонлар ҳақидаги қулғили тарихий воқеалар, ғаройиб саргузаштлар ва уларнинг қизиқарли баёни орқали кўнгилхушлик асарлари сифатида китобхонларда қизиқиш уйғотиб, уларнинг қалбидан ўрин олган⁹.

Чхон Ё тўпламидан жой олган “Сандиқ ичидаги яланғоч чедок” ҳикояси ғоявий мазмуни жиҳатидан ўзбек шоири, ёзувчи, театр арбоби Ҳамзанинг “Майсаранинг иши” комедиясини ёдга солади.

Адабиётшунос олим Л.Р. Концевич таснифига кўра, пхэсол тўпламларидан муносиб жой эгаллаган ҳикоя жанри ханмунда яратилганлиги сабабли шакли жиҳатидан *юксак* насрга киритилган. Аммо мазмун жиҳатидан қуйи даражага мансуб ҳисобланган. *Пхэсол* тўпламига киритилган, кўнгилочар наср сифатида

⁷ Ҳотамов И ва бошқ. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент. Ўқитувчи. 1979. – Б. 251.

⁸ Очилов О. Хитой фольклор ҳикоялари. “Uzbekistan-China: development of cultural, historical, scientific and economic relations”. – Т., 2021. – Б.382.

⁹ Сайдазимова У.Т. Корейс ёзувчиси Пак Чи Вон “Хитой кундалиги” асарининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон-Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривож. Илмий конференция. 18-ноябрь, 2017.

баҳоланган ҳикояларда халқнинг оғир ижтимоий аҳволи ва ҳаётнинг беқарорлиги акс эттирилган.

Пхэсол тўпламидан жой эгаллаган ҳикояларнинг мавзулар кўлами кенг, ижтимоий ҳаёт масалалари қамраб олинган, қизиқарли воқеалар асосига этнографик ва географик мулоҳазалар киритилган бўлса-да, характер турғун, ташқи кучлар таъсири кузатилмайди, муболағадан холи. Кўнгилочар мотивларда инсоннинг ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати очиб берилган. Бундай кўнгилочар наср, зерикканда ўқиладиган ҳикоялар тўплами ҳам Шарқ, ҳам Ғарбий Европанинг кўпгина халқлари адабиётига хосдир.

Буни мазкур даврда яратилган пхэсол тўпламлари номлари ҳам тасдиқлайди. Ли Инно “Бекорчиликдан”, Чхве Ча “Бекорчиликдан” тўпламига қўшимчалар, Л Гюбо “Осойишталик йиллари ҳақида тинчлик ҳикоялари”, Сон Хён “Ёнже шингил ҳикоялари”, Чхон Ё “Денгиздан шарқдаги мамлакатдан турли ҳикоялар”, О Сукквон “Пхегван услубидаги турли қайдлар”, Ли Ки “Сонванинг аралаш ҳикоялари” Чхва Чхонно “Осан ҳикоялари ўрмони”, Ли Токхён “Бамбук дарча олдида айтилган ҳикоялар”, муаллифи номаълум “Бекорчиликда ёзилган кичик ҳикоялар” ва ҳ.к.

Рус олими Д.Д. Елисеев ўрта аср адабиётининг кичик шакли ҳикоянинг вужудга келиши замирида халқ оғзаки ижоди ва классик историография ётади, деб ҳисоблайди, унда ҳам бадий, ҳам нобадий жанрлар йиғиндисини кўради¹⁰.

Мумтоз давр корейс адабиётнинг қуйи даража намунаси ҳисобланган, *пхэсол* тўпламига киритилган ҳикоя жанри халқ оғзаки ижоди билан узвий боғлиқ. Айнан материални баён этишнинг *юксак* шакли билан мавзунинг оддийлиги уйғунликда *пхэсол*ни Чосон даврининг корейс адабиёти ривожланиш жараёнининг янги босқичида пайдо бўлган ўзига хос адабий ҳодиса сифатида тавсифлаш учун асос беради¹¹.

XVII асрга келиб кичик наср *танпхён-сосол* кенг раванқ топди. Тарих саҳифаларига *Имжин уруши* номи билан муҳрланган, XVII-XVIII асрларда Япония билан бўлиб ўтган уруш бу давр ҳикояларининг етакчи мавзусига айланди. Бир қатор олимлар сюжетли наср танпхён-сосолнинг пайдо бўлиши XV асрга тааллуқли ва бу Ким Си Сип номи билан боғлиқ, деб кўрсатишади. Дарҳақиқат, XV асрда Ким Си Сип томонидан яратилган “Кимодан янги ҳикоялар” тўплами илк сеҳрли корейс ҳикоялари тўплами ҳисобланади.

Айрим манбаларда Ким Си Сип қаламига мансуб ҳикоялар новеллалар тарзида берилади. Шунингдек, тадқиқотчилар Ким Си Сипни биринчи корейс новеллисти, деб аташади. Ўзбек адабиётшунос олими Д.Қуронови “Чўлпон насри поэтикаси” илмий тадқиқот ишида келтирган қуйидаги фикрлари бу масалага ойдинлик киритади:

¹⁰ Елисеев Д.Д. Корейская средневековая литература пхэсоль. – М., 1968. – С.18.

¹¹ Сайдазимова У.Т. Корейс ёзувчиси Пак Чи Вон “Хитой кундалиги” асарининг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон-Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривож. Илмий конференция. 18-ноябрь, 2017.

“Маълумки, адабиётшуносликда “ҳикоя” ва “новелла” атамлари хусусида яқдиллик йўқ: айрим адабиётшунослар бу атамани синоним ҳисобласалар, бошқалари кескин фарқлайдилар. Биз бу масалада ҳикоянинг икки типи бор: биринчисида очерклилик (тавсифий-ривоявий), иккинчисида новеллистик (конфликтли-ривоявий) хусусияти устундир, деган фикрга кўпроқ қўшилишимиз, яъни бу ўринда гап икки турли жанр ҳақида эмас, балки бир жанрнинг икки хил сифат кўриниш ҳақида боради”¹².

Олимнинг фикрига таяниб, Ким Си Сип яратган сеҳрли ҳикоялари тавсифий-ривоявий характердаги асарларга мансуб, дейиш мумкин. Илдизлари халқ оғзаки ижодига бориб тақалувчи мазкур тўпламга киритилган ҳикояларга маълум бир даражада иккита манба таъсир кўрсатди. Бир томондан бу хитой адабиёти, хусусан, Тан ва Сун сеҳрли новеллалари бўлса, иккинчи томондан халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланган маиший мавзуидаги пхэсол тўпламларига киритилган ҳикоялар эди.

Корейс адабиёти тарихида пхэсол адабиётининг янада юксалишида “Кимодан янги ҳикоялар” тўплами муҳим рол ўйнади. Аммо бу турдаги сеҳрли ҳикоялар вақт ўтган сари тараққий этмади ва бундай ҳикояларнинг тўпламлари бошқа яратилмади. Лекин шунга қарамасдан, айнан Ким Си Сип ижоди бадиий тўқима элементлари билан кейинги наср жанри тараққиётига таъсир кўрсатди.

Ким Си Сип ўрта аср корейс адабиёти ривож, айниқса ҳикоя жанри тараққиётига ҳисса қўшган биринчи насрнавис. Адиб биринчилардан бўлиб ўз ҳикояларида ижодий тасаввурини сеҳрли элементлар орқали ифодалаган ижодкор ҳисобланади. Муаллиф тасвирлаган ажойиботлар, ғайри оддий нарсаларда инсон характери, унинг ички олами, руҳияти акс этиб туради.

Корейс адабиётидан фарқли равишда ўзбек адабиётида ҳикоя жанри узок асарлар давомида мураккаб жараёнларда шаклланди, яъни илк ҳикоя намуналари қадимги ёзма адабий ёдгорликларда учрайди. Жумладан, “Тўнъюқуқ” ва “Култегин” битиктошларида воқеалар иштирок этувчилар томонидан ҳикоя қилинган. Аммо ҳикоя жанри ривож бир текис, равон ва узлуксиз давом этмади. Дастлаб XII асрда Муҳаммад Авфий Бухорий томонидан яратилган “Жавоме ул-хикоёт ва лавомеъ ул-ривоёт” (“Ҳикоятлар тўплами ва ривоятлар ёлқини”)¹³ номли китобидан сўнг орадан тўрт аср вақт ўтиб Пошшоҳўжанинг “Мифтоҳ ул-адл” ҳамда “Гулзор”¹⁴ ҳикоялар тўплами яратилди. Ҳар икки муаллиф тўпламидаги ҳикоялар жанр талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунингдек, Носириддин Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий” асарида ахлоқий характердаги ҳикоялар мавжуд бўлса, Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин”, Машрабнинг “Мабдаи нур” асарларида юздан ортиқ шеърий ҳикоятлар учрайди.

¹² Қуроноф Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ. 2004. – Б. 37.

¹³ Муҳаммад Авфий Нодир ҳикоялар. – Т., АСН, 1977.

¹⁴ Пошшоҳўжа. “Мифтоҳ ул-адл” ва “Гулзор”. –Т., БАН, 1962.

*“Бу давр ҳикояларида асосан маълум ва машҳур ривоятлар, афсоналар, тарихий воқеалар қайта баён қилиниб, қиссадан ҳисса чиқарилар, бадиийликдан кўра шарҳлаш устуворлик қиларди”*¹⁵.

Бу тарзда ҳикоя яратиш уч аср давом этди. Мумтоз адабиётдаги “ҳикоя” ва “ҳикоят” каби асарлар И. Ҳотамов асосли таъкидлаганидек: *“Ҳикоя шаклий жиҳатдан прозаик ифодага эга бўлса-да, айрим ҳолларда у шеърий шаклда ҳам яратилди”*¹⁶ ҳамда йирик асарлар ичида йўл-йўлакай бериб ўтилди. Ўзбек адабиётидаги ҳикоя жанрининг бу кўриниши корейс адабиёти пхэсол тўпламларига киритилган ҳикоялар мазмун-моҳиятига ўхшайди. Ҳар икки халқ адабиётида ҳикоя жанри мукамал намунага шаклига келгунча узоқ масофани босиб ўтди.

XVIII-асрга келиб эса атоқли давлат арбоби, Сирхак ҳаракатининг фаоли, ёзувчи Пак Чивон илк бор корейс адабиётида сатира усулида ҳикоялар яратди. Муаллиф фикрига кўра, конфуцийчи олимлар фақат китоб ўқиш билан машғул, амалда эса улар ҳаракатсиз. Бу унинг *“Юйсяда кечқурун айтилган ҳикоялар”*, *“Масхарабоз Мин Юсин ҳақида хотиралар”*, *“Янбан билан бўлган воқеалар”* ҳикояларида ўз аксини топган. Барча ҳикоя қаҳрамонлари *“конфуцийчилик таълимоти мезонларига мувофиқ умр бўйи классик асарларни ўрганиш билан шугулланади. Лекин бу уларга ҳаётда бирон нарсага эришишга ёрдам бермайди, улар умрининг охириги кунларигача қашшоқликда яшайдилар”*¹⁷.

Пак Чивон ўз ҳикояларига бош қаҳрамон сифатида оддий халқ вакиллари – ишчилар, деҳқонлар, ҳатто ахлат тозаловчилар образлари киритди. Оддий халқнинг амалдорлар томонидан аёвсиз таҳқирланиши, улар меҳнатининг қадрсизлиги, инсон шаънининг оёқ ости қилинишини тасвирлаш асносида жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, феодал қолоқлик сабабли жирканч аҳволга келиб қолган мамлакати манзарасини очиб берди.

Корейс адиби томонидан илгари сурилган бу масалалар XX аср бошида ижод қилган ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг *“Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида”*, *“Тошпўлат тажанг нима дейди”*, *“Обид кетмон”* каби ҳикояларида ўз аксини топди. Бир қарашда кулгули, аммо аслида тараққиёт душмани Калвак маҳзум мазкур даврда янгиликларга қарши инсонларнинг йиғинди образидир. 1926 йили муаллифнинг *“Йиғинди гаплар”* танқидий ҳикояси *“Муштум”* журналича чоп этилди. Ҳикояда *“аксиинқилобий ҳаракатлар”*ни кўрган айрим кимсалар сабаб Абдулла Қодирий қамоққа олинади. Аммо бу адибнинг танқидий асарлар яратишда давом этиши учун тўсқин бўла олмади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Кореяда юз берган Европалашув жараёни, даставвал япон тилидан таржимада кириб келган ғарб адабиёти ва маданияти, рус адабиётига бўлган қизиқишни кучайтирди. Гёте, Байрон, Тургенов, Чехов, Бальзак, Тагор, Пушкин, Есенин каби буюк ижодкорлар асарлари билан

¹⁵ Солижонов Й. Адабиёт хиёбони. Мақолалар, суҳбатлар. – Фарғона. 2020. – Б. 12.

¹⁶ Ҳотамов И ва бошқ. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент. Ўқитувчи. 1979. – Б. 251.

¹⁷ Сайдазимова У.Т. XVII-XVIII асрлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари. филол. фан. док. дисс.....автореф. – Тошкент, 2018.

яқиндан танишган ҳамда таъсирланган корейс шоир ва ёзувчилари замонавий корейс насри ва назмида янги тараққиёт босқичига ўтдилар. Асрлар давомида тўқима образлар, тарихий шахслар, адабий қаҳрамонларга айланган, халқ орзусидаги персонажларга бўлган муносабат ўзгарди.

“Янги реал воқелик, европалашув жараёни, япон истибдодидан озодликка чиқиш, қашшоқликдан қутилиш, миллий маданият, маориф ва таълимнинг тараққий этиши учун кураш янги насрнинг ўзгачалигини белгиловчи реализм йўналишининг қонуний тараққиётини тақозо етмоқда эди”¹⁸.

Мумтоз ва ўрта асрларда яратилган *комил инсон* образини яратишга бўлган интилиш, бадий асар шакли учун белгилаб қўйилган ягона сюжет чизиғи, қаҳрамонларнинг ажойиб туғилиши, уларга ҳар доим муаммоларни ҳал қилишда етиб келувчи ташқи кучлар, асар сарлавҳасига олиб чиқилган *чон* морфемаси ўз аҳамиятини йўқотди.

Академик Д.С.Лихачев асосли таъкидлаганларидек: *“Ҳаққонийлик унсурлари реал воқеликни объектив равишда акс эттириш, зарур бўлган воқеликни ўзгартириб акс эттириш керак бўлган жойда кўпроқ намоён бўлади”¹⁹.*

Мазкур даврда ёзилган Ли Гвансунинг “Қон билан ёзилган сатрлар” (илк номи “Нобуко”), “Қайғу”, Хёнг Санг Юннинг “Қувғин”, Ким Дониннинг “Бир сават батат”, “Олов сонатаси”, “Хайрлашув қўшиғи”, Ём Сансоннинг “Тажрибахонадаги курбақа”, Хён Жингоннинг “Омадли кун”, На Дохяннинг “Сассиз Самрёнг” хикоялари соф реализм йўналишида яратилди.

Ли Гвансунинг “Қон билан ёзилган сатрлар” хикоясида ёзувчининг маҳорати реализмнинг муҳим тамойилларидан бири – характерларни ўз овозлари ёрдамида қайта тиклаш принципини қўллашда ўз ифодасини топти. Бу ўринда В.В.Виноградовнинг: *“бадий тасвирнинг барча қонун ва ақидаларига қарши тинимсиз кураш олиб бориш айнан реализмга хос принципдир”²⁰*, деган фикрлари ўз тасдиғини топади.

XX аср бошларида халқини озод, миллатини саводхон қилиш учун адабиёт майдонига жадиидчилар шахдам қадамлар билан кириб келишди. Улар адабиётнинг моҳиятини чуқур англаб, жамият, миллат равнақида унинг муҳимлигини англаб етишди. Бу феодал қолоқликдан сўнг уйғониш даври бўлиб, тараққийпарвар жадиидчилар даврнинг асосий кучи сифатида майдонга чиқдилар. Жаҳолат қобиғида қолган халқни уйғотиш ҳамда озодлик учун курашга чорлаш учун жадиидчилар ҳаётни ўзгартириш, янгилаш зарурлигини англаб етдилар.

Жадиидчилар қўлда қурол билан эмас, балки маърифат йўли – янги тарздаги мактаблар очиш, нашриётларда миллий адабиётни чоп эттириш, мактаблар учун

¹⁸ Zamonaviy koreys nasri antologiyasi. Tuzuvchilar: Saydazimova U., Choy So Yong, Kim V.N. va boshq. – T.: Istiqlol, 2014. – B.6.

¹⁹ Лихачев Д.С. Избранные работы. В 3 т. – Л.: Художественная литература, 1987.

²⁰ Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М., 1959. – С.472.

дарсликлар яратиш, турли маънавий-маърифий тўғаракларга асос солиш орқали курашишди.

Умуман олганда, XX-аср боши ўзбек адабиётида тарихида юз берган янгиланиш жараёнига Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи муқаддимасида мазкур давр ижодкорларига қўйилган талаб англашилади: *“Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам ана шу янги даврнинг янгилликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаи дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгиришга, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухро”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод-Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан танишидиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”*²¹.

XX асрга келиб вақтли матбуот ривожланди: *“1905-йилги биринчи рус инқилобидан кейин Туркистонга турли гоявий ва эстетик йўналишдаги турк, озарбайжон ва биринчи навбатда татар адабиёти ва матбуоти тарқала бошлади”*²².

Ўзбек насрида янги ўзгаришлар – мунозара, қисса, ҳикоя каби жанрларнинг шаклланиши кузатилди. Бу давр газета ва журнал саҳифаларида Чўлпоннинг “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтир Муҳаммадёр”, “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола”, “Новвой қиз”, Абдулла Қодирийнинг ўз халқини салоқатли, билимли ва маданиятли, озод кўриш истагидаги “Жувонбоз”, “Улоқда”, шунингдек, “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида” ҳажвий ҳикоялари, Фитратнинг “Қиёмат”, Шокир Сулаймоннинг янгиллик ва эскилик ўртасидаги аёвсиз курашни кўрсатувчи “Қотил”, “Ҳукм”, “Фармоза отаси”, “Лолазордаги шумғия”, “Паразитлар”, “Ямо ва Хамо” сингари ҳикоялари чоп этилди.

*“...жадид адабиётида шаклланиш даврига кирган ҳикоя, қисса, роман каби этик жанрларнинг илдизлари мумтоз жанрлар ҳисобланган қисса ва ҳикоятларга бориб уланади. Шу жиҳатдан Саъдий “Гулистон”и билан Авлониининг “Туркий Гулисто ёки ахлоқ” асари, Хожаниннг “Гулзор” ҳикоятлар мажмуаси билан Қодирийнинг ҳикоялари ўртасида жанрий ришталар мавжуд”*²³.

Муаллифлар ўз ҳикояларида ижобий ва салбий қаҳрамонлар образини яратишди, янги образлар давр ва муҳит ўчоғида тасвирланди, сюжет ва композицион курум мураккаблашди.

“Жадид адабиётининг намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлониий, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпонлар бу жанрнинг янгиланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг сайъи ҳаракати билан ҳикояга илгари кўрилмаган сюжет бирлигига асосланган яхлит воқелик, шу воқеликни рўёбга чиқаришда муҳим рол ўйнайдиган қаҳрамон (гарчи улар характер даражасига кўтарилмаган бўлса-да), воқеа ривожига туртки берувчи конфликт (айниқса, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги кураш мисолида) каби зарур

²¹ Абдулла Қодирий. Танланган асарлар. –Т.: “Sharq”. 2014. – Б. 6.

²² Турдиев Ш. Чўлпон ва татар адабиёти (алоқалар тарихи, манбалари) ЎТА, 1997. №9. – Б. 10.

²³ Тожибоева М.А. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Филол. фанл. бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореф. – Тошкент. 2018. –Б. 24.

унсурлар кириб келди. Булар ҳикоянинг жанр сифатида мукаммаллашувида дастлабки мезонлар ролини ўйнади”²⁴.

Мана шу мураккаб даврда ижод қилган Абдурауф Фитрат янги адабиёт асосчилари сифатида майдонга чиқди. Унинг биргина “Мунозара” асари бутун Туркистон жадиидчиларини илҳомлантирди:

*“Фитратнинг биргина, “Мунозара”си давр тараққиётига зоят кучли ва самарали таъсир кўрсатди”*²⁵.

Манбаларда келтирилишича, адиб “Мунозара” асарини 23 ёшида – Туркия дорилфунунида талабалик йиллари ёзиб тугатган. Асарнинг тўлиқ номи “Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадиид мактаблари хусусинда қилғон мунозараси” деб номланган.

XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин намоёнчаси, миллий уйғониш даврининг асрий давомчиси²⁶, шоир, драматург, адабиётшунос олим ҳамда ёзувчи Абдулҳамид Чўлпон шеър, роман, драма, танқид, таржима ҳамда ҳикоя каби жанрларда ижод қилди. Чўлпоннинг 20-йилларда яратган “Қор қўйнида лола”, “Ойдин кечаларда”, “Нонушта”, “Тавҳарой” каби ҳикоялари ўзбек аёллари тақдирига бағишланган.

Бадий адабиётнинг вазифаси халқни жаҳолат уйқусидан уйғотиш, жамиятнинг ривожига ва инсон баркамоллигига халақит берувчи иллатлардан халос бўлиш – руҳий, маънавий фориғланишдан иборат деб тушунган Чўлпон 1914-йили “Садои Туркистон” газетасида чоп этилган “Адабиёт надур?” мақоласида *“Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб тургон вужудимизга, танимизга сув-ҳаво не қадар зарур бўлса, машиат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир”*²⁷ деб ёзади.

Чўлпоннинг “Қор қўйнида лола” ҳикоясида қари чолга учинчи хотин қилиб берилган ўн етти яшар Шарофатнинг қора, зулматли кунлари, аччиқ қисмати ёритилган. Тўй бўлиб ўтган кўчани *“Ҳўҳ-ҳў, кўча жуда зулмот-ку!”*²⁸, *“Бу кеча худди эшон бобонгнинг кўнглидек бўлибдир”*²⁹ таърифларида қоқоқлик иллатлари берилган бўлса, ҳикоядаги Мамат қоровулнинг *“...дунё ўзи шу қадар тесқари дунё экан...лоланинг устига қор ёғди-да”*³⁰ дейиши ҳақиқий фожиага берилган баҳодир.

Адиб ижодида фожиали вазият, фожиали муҳит ва шароит, фожиали қаҳрамонларни тасвирлаш бошқа жанрдаги асарлари каби ҳикояларида ҳам марказий масалага айланди. Жумладан, Беҳбудийнинг “Падаркуш” пьесасидаги жаҳолат ва илмсизлик масалалари “Қурбони жаҳолат” ҳикоясида ўғирлик қилган йигит сабаб айбсиз йигитнинг ўлдирилиши тарзида берилади. Ҳикоя лейтмотиви жаҳолат қурбони Эшмуроднинг *“Биз одам бўлмаймиз...Битамиз...Инқироз*

²⁴ Солижонов Й. Адабиёт хиёбони. Мақолалар, суҳбатлар. – Фарғона. 2020. – Б. 12.

²⁵ Айни С. Таърихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987.

²⁶ Мирзаева Н., Аскарова М. Чўлпон ижодида миллий уйғониш ҳаракати. “Oriental Art and Culture” Scientific-Methodical Journal – Issue 5 /2020.

²⁷ Абдулҳамид Чўлпон. Адабиёт надур?. Ўзбек адабий танқиди: [антология]/ тузувчи ва нашрга тайёрловчи Б.Каримов. “TURON-IQBOL” МЧЖ, 2011. – Б.28.

²⁸ Abdulhamid Cho‘lpon. Buloqlar quchog‘ida. She’rlar va hikoyalar. – Toshkent. “Zabarjad Media”. 2023. – B.83.

²⁹ Abdulhamid Cho‘lpon. Buloqlar quchog‘ida. She’rlar va hikoyalar. – Toshkent. “Zabarjad Media”. 2023. – B. 83.

³⁰ Abdulhamid Cho‘lpon. Buloqlar quchog‘ida. She’rlar va hikoyalar. – Toshkent. “Zabarjad Media”. 2023. – B. 83.

бўламиз...*Оҳ жаҳолат. Жаҳолат, битдук, битдук. Ўлдук...тирилмайман...*”³¹ деган изтиробли сўзларида намоён бўлади. Миллат англаб етмаётган мактаб, илм-фан ибрат олиш каби сўзлар Эшмуроднинг бутун ҳаёлини чулғаб олган. Ҳатто жаҳолат ботқоғида турган, газета ўқигани учун устидан кулган отаси уни ташвишлантиради. Лекин ёруғлик манзилига етиб келмаган, зимистон қўйнида ҳалок бўлган илм – жаҳолат илдизлари эди.

Абдулла Қодирий қаламига мансуб “Улоқда” ҳикояси ўзбек реалистик ҳикоясининг энг яхши намунаси бўлиб, 1916 йили чоп этилган. “Улоқда” ҳикоясида халқ урф-одатлари тасвири берилади, аммо адибни жаҳон миқёсида бўлаётган уруш ҳақида “содда” халқнинг беғамлиги ташвишга солади. Аммо ҳикояга Ойбек домла “*ҳикоячиликда реализм томон ишонч билан катта қадам ташлаган*”³², деб юксак баҳо беради.

Ҳозирги корейс ва ўзбек ҳикоячилиги шакл ва мазмун, ифода жиҳатидан анча бойиди, миллий характер яратиш тажрибаси шаклланди. Ғарб адабиёти таъсирида ҳар икки халқ адабиётида ҳикоя жанри янгича тасвир, қаҳрамон руҳиятини англашга бўлган интилиш, давр адабий қаҳрамони каби хусусиятлар билан бойитилди.

³¹ Чўлпон. Асарлар. Адабий-бадий нашр. II жилд. –Тошкент. 1994. – Б. 269.

³² Ойбек